

Илм ва дин



14:00 / 08.03.2022 2901

Илм дин бўлмаса илҳод(атеизм)га айланиши мумкин. Дин илмсиз хурофотга айланиши мумкин. Илм билан дин ўртасидаги алоқалар жуда кўп бор бузилган. Турлича кўринишлар олган. Бу кўринишларнинг энг қабиҳи, улар сенинг олдинда олимликни танлаш ёки диндор бўлиш, ё дин сафида туриш ёки илм сафида туриш ихтиёрини қўйишларидир. Улар наздида илм ва дин гўё бир-бирига зид нарсалардир.

Баъзиларнинг миясига чизилган бу қабиҳ сурат илмнинг ҳам диннинг ҳам натижаси эмас. Балки дин билан илмнинг ўзаро алоқасини яхши англамаслик натижасидир. Баъзи муаллимларни кўрамиз. Улар илм фақатгина диндан қутилсагина, унинг ҳукмронлигидан халос бўлсагина илм бўлади деб эътиқод қилишади.

Баъзи диндорларни кўрамиз. Улар илмни шайтоний ишлардан деб билади. Улар масалан даволанишни Аллоҳнинг қадари ва қазосига зид деб ўйлашади. Демак, бизда икки тоифа бор:

1. Илмни «муқаддас бузоқ» қилиб олиб унга ибодат қиладиганлар.
2. Исломнинг илмга бўлган қарашларини Лот, Хубал ва Манотга бўлган даъват қараши деб ўйлайдиганлар.

Биласизми, нега Европада илм билан дин бир-бирига қарши бўлиб қолган?

Черков ўша пайтлар жуда кўп бидъат ва хурофотларга иймон келтирган бўлиб, уларни диний ҳақиқатлар деб эълон қилган эди. Кишиларни бу хурофотларни қабул қилишга мажбурлашар эди. Уларга қарши чиққанларни турли усуллар билан жазолашар эди. Галилиео Галилейнинг ерни айланмайди дейишга мажбурлашгани буни тушуниш учун етарли деб ўйлайман. Агар у ўз фикрида қаттиқ туриб олганида уни оловда куйдиришар эди. Чунки бу жазо, бидъатчиларга бериладиган жазо эди.

Европада илм қуёши чиқиб черков дин қилиб олган кўпгина хурофотларни ёлғон эканлигини фош қилгач инсонлар «модомики дин бор экан илм ривожланмайди. Уни ҳаётдан чеккага суриб қўйиш лозим!» , деган эътиқодга келишди.

Бизда қачон дин билан илм бир-бирига қарши келганки, кишиларни улардан бирини танлашга мажбурлашса?!

Қачон соғлом дин соғлом илмга қарши чиққан?

Илм дин келтирган илмий ҳақиқатларни хурофотлигини қачон исботлай олди?

Воқеликда эса бунинг тамоман акси бўлган. Дин ўзи айтган қатъий масалалар ҳақидаги фикрини ҳеч қачон ўзгартирмади. Илм эса ўзи айтган фикрларни бир неча бор ўзгартириб келди. Ундаги бугунги ҳақиқатлар эртага хурофот бўлмоқда. Илм аввалда ерни текис деган эди. Замон ривожланиши билан ўзининг хато қилгани тан олди. Энг қизиғи, илм ривожлангани сари 1400 йил аввал дин айтган ҳақиқатларни англай бошляпти.

Ислом қачон олимларга қарши уруш қилган? Илм олишни фарзи айн қилиб қўйган дин олимларга қарши чиқиши мумкин эмас эди. Фарбликлар ўзларининг динларидан воз кечиб миллатга айланишган бўлса, биз динимизни қаттиқ тутибгина яна етакчи миллат бўла оламиз.

Ибн Холдун, ибн Ҳайсам, ибн Ҳайён, Мақризийлар ва биз зикр қилмаган миллионлаб олимлар дин соясида етишиб чиққан.

Биз динсиз илмни хоҳламаймиз. Чунки бу борлиқда Аллоҳнинг ҳукмронлигини тан олмайдиган илм охир-оқибат ўзига-ўзи ибодат қилади.

Биз илмсиз динни ҳам хоҳламаймиз. Чунки «Ўқи!» калимаси билан бошланган Ислон ўз тобеларининг жоҳиллар бўлишини истамайди!

Абдулқодир Полвонов